

МУЛЬТИМЕДИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДАГИ ЎРНИ

Нематова Наргизахон Мухтор қизи

Тошкент давлат аграр университети Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7371783>

Аннотация. Ушбу мақолада талим жараёнини самарали ташкил этишда мультимедиа технологияларидан фойдаланишнинг истиқболлари ҳақида фикр билдирилган.

Калим сўзлар: ахборот технологиялари, анимация, мультимедиа тушунчаси, дастурий воситалар, гипермедиа.

РОЛЬ МУЛЬТИМЕДИЙНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ

Аннотация. В данной статье представлено мнение о перспективах использования мультимедийных технологий в эффективной организации учебного процесса.

Ключевые слова: информационные технологии, анимация, мультимедийная концепция, программные средства, гипермедиа.

THE ROLE OF MULTIMEDIA TECHNOLOGIES IN THE EDUCATIONAL PROCESS

Abstract. This article presents an opinion on the prospects for the use of multimedia technologies in the effective organization of the educational process.

Keywords: information technology, animation, multimedia concept, software, hypermedia.

Мультимедиа тушунчаси — турли шаклдаги ахборотларни қайта ишловчи воситалар мажмуасини англатади. Мультимедиа технологиялари — бу турли шаклдаги ахборотларни қайта ишловчи воситалар мажмуасидир. Мультимедиа технологияларига аввало, товушлар, видео-элементларни қайта ишловчи воситалар қиради. Бундан ташқари, мултипликация (анимация) ва юқори сифатли графика ҳам мультимедиа технологиялари қаторига қиради. Эҳтимол, келажакда мультимедиа воситалари маълумотнинг бошқа турлари, масалан, виртуал воқелик билан ишлаш имконини бериши ҳам мумкин.

Маълумки, мультимедиа технологиялари таълим жараёнини бойитади, ўқув материали таълимий ахборотларни идрок этишни янада самаралилаштириш имконини беради. Мультимедиа — бу замонавий техник ва дастурий воситалардан фойдаланиб, интерактив дастурий таъминот бошқаруви остида ўзаро визуал ва аудиосамара тасиридан иборат бўлиб, у матн, товуш, графика, фото, видеони бир рақамли тақдим этиш усулида бирлаштиради. Гипермедиа — бу мультимедиа объектида қўлланиладиган гиперматнли воситалар билан боғлиқ компьютер файлларидир. Таълимни компьютер ва бошқа интернет-технологияларидан фойдаланиб ташкил этишда, турли афзалликлар билан бир қаторда, айрим камчиликлар ҳам мавжуд: бу алоқа линиялари билан боғлиқ муаммо бўлиши ҳам мумкин. Мазкур муаммоларни СД-РОМ ва ДВД-дисклари деб аталадиган оптик компакт дисклар ёрдамида ҳал этилиши мумкин.

Замонавий талим воситалари — интерактив, аудио-визуал, мультимедиа ўқув жиҳозлари — шунчаки замонага мос русумга айланиб бораётган воситалар эмас, балки ўқувчилар шахсини ривожлантириш учун вариатив имкониятдир. Замонавий таълим тизимининг вазифаси эса шунчаки билим беришдангина эмас, балки ўқувчи-талабаларнинг ижодий тафаккурини лойиҳалаштиришга ёрдам беришдан иборат. Ҳар

кандай назарий билим амалиёт билан мустақкамланиши зарур. Ўқувчиларни таълим жараёнига фаол жалб этиш, қизиқтириш жуда муҳим. Ўқитишни қизиқарлилашиши ҳамда унда барча талабаларнинг тўлиқ фикру-зикри билан фаоллашиши асосида таълим жараёни жуда самарали ўтади. Бунда кўргазмали воситалар ҳам муҳим ўрин тутади, улар ахборотнинг турли манбалари билан ишлаш ва олинган натижаларни солиштириш қобилиятини ривожлантиради. Таълим жараёнининг тўғри ташкил этилиши натижасида аввало, таълимнинг универсал таъсири, унинг асосида эса — фойдали малака ва кўникмалар, ниҳоят кенг доирадаги салоҳиятлари шаклланади.

Мультимедиадастурлари орқали ўқитиш ўқув материалининг мазмуний компонентларини кенг қўламда тизимга келтиришга кўмаклашади, таълим олувчиларга таълимнинг тўлиқ ёки қисқартирилган вариантларини эркин танлаш ва ўтиш имконини беради. Таълим воситаларининг янги шакли нафақат мулоқот, ахборотларни узатиш учун янги имкониятларнинг вужудга келишига, балки анъанавий таълим ва маълум оммавий ахборот воситалари билан таққослаганда замонавий маданиятда ўзгача ўрин олган янги муаммоларнинг, ечимларнинг, янги кесишиш нуқталарининг вужудга келиши учун ҳам имкониятлар яратади.

Мультимедиа воситалари ёрдамида шахсга йўналтирилган таълимни амалга ошириш жараёни замонавий, кўптармоқли, предметга йўналтирилган мультимедиа таълим воситаларини ишлаб чиқишни ва фойдаланишни талаб этади. Улар таркибига кенг маълумотлар базаси, таълим йўналиши бўйича билимлар базаси, сунъий интеллект тизимлари, эксперт-ўргатувчи тизимлар, ўрганилаётган жараён ва ҳодисаларнинг математик моделини яратиш имконияти бўлган лаборатория амалиётлари киради. Таълим олувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш ва уларнинг манфаатдорлигини (мотивациясини) оширишга кўмаклашиш имкониятларига кўра, шунингдек, ҳар хил турдаги мультимедиа таълим воситаларининг уйғунлашуви, интерфаоллик, мослашувчанлик сифатларига кўра мультимедиа фойдали ва маҳсулдор таълим технологияси ҳисобланади. Интерфаолликнинг таъминланиши ахборотларни тақдим этишнинг бошқа воситалари билан таққослаганда рақамли мультимедиа таълим воситаларидан ҳисобланади. Интерфаоллик таълим олувчининг эҳтиёжларига мос равишда тегишли ахборотларни тақдим этишни назарда тутади. Интерфаоллик маълум бир даражада ахборотларни тақдим этишни бошқариш имконини беради: таълим олувчилар дастурда белгиланган сўзловларни индивидуал тарзда ўзгартириши, натижаларини ўрганиши, фойдаланувчининг муайян хоҳиши ҳақидаги дастур сўровига жавоб бериши, материалларни тақдим этиш тезлигини ҳамда такрорлашлар сонини белгилаши мумкин. Лекин мультимедиадан фойдаланишда бир қатор жиҳатларни эътиборга олиш муҳим. Мультимедиада тақдим этилаётган ўқув материаллари тушуниш учун қулай бўлиши, замонавий ахборотлар ва қулай воситалар орқали тақдим этилиши талаб қилинади. Мультимедиа технологияларининг барча имкониятларини тўлиқ очиб бериш ва улардан самарали фойдаланиш учун таълим олувчиларга салоҳиятли (компетентли) ўқитувчининг кўмаги зарур бўлади. Дарсликлардан фойдаланилгандаги сингари, мультимедиа воситаларини қўллашда ҳам таълим стратегияси таълим жараёнида ўқитувчи нафақат ахборотларни тақдим этиш, балки таълим олувчиларга кўмаклашиш, қўллаб-қувватлаш ва жараённи бошқариб бориш билан шуғуллангандагина мазмунан бойитилиши мумкин. Одатда, чиройли тасвирлар ёки анимациялар билан бойитилган

тақдимотлар оддий кўринишдаги матнларга қараганда анча жозибали чиқади ва улар тақдим этилаётган материалларни тўлдирган ҳолда зарур эмоционал даражани таъминлаб туриши мумкин. Мультимедиа воситалари ҳар хил таълим йўналишлари (стиллари) уйғунлигида қўлланилиши ва таълим олиш ҳамда билимларни қабул қилишнинг турли рухий ва ёшга доир хусусиятларига эга бўлган шахслар томонидан фойдаланилиши мумкин: ўқувчиларнинг айримлари бевосита ўқиш орқали, баъзилари эса эшитиб идрок этиш, бошқалари эса (видеофильмларни) кўриш орқали таълим олишни ва билимларни ўзлаштиришни хуш кўрадилар. Интерфаол мультимедиа технологиялари академик эҳтиёжга эга бўлган таълим олувчига ноанъанавий қулайлик туғдиради. Хусусан, эшитиш сезгисида дефекти бор таълим олувчиларда фонологик малакалар ва ўқиш малакалари ўсишига, шунингдек, уларнинг ахборотларни визуал ўзлаштиришларини таъминлайди. Нутқи ва жисмоний имконияти чекланганларда эса воситалардан уларнинг индивидуал эҳтиёжларидан келиб чиқиб фойдаланишга имкон беради. Мультимедиа воситалари таълим беришнинг самарали ва истиқболли курули (инструментлари) бўлиб, у ўқитувчига анъанавий маълумотлар манбаидан кўра кенг кўламдаги маълумотлар массивини тақдим этиш; кўргазмали ва анимациялар, видео ва бошқалардан фойдаланиш; ахборот турларини таълим олувчиларнинг қабул қилиш (идрок этиш) даражаси ва мантикий ўрганишига мос равишда кетма-кетликда танлаб олиш имкониятини яратади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда мультимедиа технологиялари — таълим жараёнини ахборотлаштиришнинг истиқболли йўналишларидан биридир. Таълим жараёнига мультимедиа технологияларини жорий этиш ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш ҳамда жамиятимизни ижтимоий иқтисодий тараққий эттиришнинг муҳим шартидир. Шу сабабли ҳам бугунги кун ўқитувчиси тинимсиз ўз устида ишлаши, кенг ижодий тафаккурга эга, илғор педагогик ва мультимедиа технологияларини самарали қўллаётладиган шахс сифатида ўз касбий-мутахассислиги учун зарур фазилатлар эгаси бўлиши давр талабидир. Хусусан, таълим жараёнида мультимедиа технологияларидан фойдаланиш қулайликлар яратади. Бундай дарслар келажакда илмий-ижодий ишларни ташкил этишда ва тадқиқот ишларини олиб боришда, энг асосийси, талим олишга, фанга ва ўзи танлаган касбга бўлган қизиқишларини оширади.

REFERENCES

1. Ўзбек тили ва адабиёти таълимида замонавий ахборот технологиялар S.X.Muhamedova, M.D.AbdulIayeva, Sh.Sh Yuldasheva, Y.B.Eshmatova
2. Starikov D.A. Multimedia texnologiyasi kontseptsiyasi va ularni o'quv jarayonida qo'llash haqida / D.A. Starikov // Ta'limdagi ilmiy tadqiqotlar: pedagogika, psixologiya, iqtisod. - 2011. - No 2. - B. 53-55.
3. Yarim G.B. Fan o'qituvchilari malakasini oshirish tizimida multimedia texnologiyalarini an'anaviy o'quv fanlari bilan integratsiyalash.Informatika i obrazovanie. - 2009. - 5-son.
4. Egorova Yu.N., Morozov M.N., Kirillov V.K. Multimedia texnologiyasi umumta'lim maktabida ta'lim sifatini oshirishning kompleks vositasi sifatida // Mintaqaviy ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. - Cheboksari: CTU im. I.N. Ulyanova, 1999, 170–172-betlar.
5. Ismailovich S. A. Socio-Psychological Problems of Educating an Independent-Minded, Creative Person in the Educational Process //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE. – 2021. – Т. 2. – №. 12. – С. 4-7.

6. Саидов А., Джураев Р. Баркамол авлодни тарбиялаш-соғлом турмуш тарзини шакллантиришда спортнинг ўрни //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 203-208.
7. Саидов А. pedagogik mahorat: ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш устувор вазифа сифатида //центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2020. – Т. 2. – №. 2.
8. Sharifjon To'lqin o'g A. et al. TA'LIM-TARBIYA TIZIMI VA O'QITUVCHILAR FAOLIYATIDA PSIXOLOGIK XIZMATNING AHAMIYATI //MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH. – 2022. – Т. 1. – №. 11. – С. 57-60.